

# **«IMPEX-INSURANCE» Aksiyadorlik jamiyatı sug`urta tashkiloti**

## **АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

### **Хурматли акциядорлар!**

«IMPEX-INSURANCE» AJ ST Кузатув кенгашининг 2024 йил 23 июлдаги қарорига асосан Жамият Устав фондининг миқдорини 35 000 000 000,0 сўмга ошириш мақсадида номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 35 000 000 дона эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз шаклдаги қўшимча акцияларнинг чиқарилуви Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2024 йил 27 августда Q0928 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги маълум қилинади.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан Жамият акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуки тақдим этиш билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан жамият акциядорларига қўшимча чиқарилган акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуки берилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган пайтдан эътиборан 15 (үн беш) кун давомида амал қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасига асосан Жамият томонидан қўшимча чиқарилган 35 000 000 дона оддий акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуки Жамият акциядорларининг 2024 йил 23июль ҳолатига тузилган реестрига киритилган оддий акциялар эгаларига тақдим қилинади.

Қўшимча чиқарилган акциялар 1 000 сўмдан жойлаштирилади.

Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларга ушбу чиқарилишдаги акциялар 1 000 сўмдан жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуқقا эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги хужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичидаги Жамиятга тақдим этилиши керак.

Мазкур чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

Имтиёзли ҳуқуқقا эга шахслар томонидан акциялар сотиб олинаётганда тўловлар қонунчиликда белгиланган тартибда хорижий валютада амалга оширилиши мумкин.

Имтиёзли хуқуқнинг амал қилиш муддатида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Тўловлар жисмоний шахслар томонидан нақд пул ва нақдсиз (пластик карталар), юридик шахслар томонидан пул ўтказиш йўли билан нақдсиз шаклда амалга оширилади.

Акциялар учун миллий валютадаги пул маблағлари Жамиятнинг Банк реквизитлари: x/p: 2020 8000 3053 8862 3001 “Ravnaq-bank” АЖ Амалиёт филиали СТИР: 308446198 Банк коди: 00980.

«IMPEX-INSURANCE» Aksiyadorlik jamiyati sug'urta tashkiloti акциядорлари имтиёзли олишга хақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

A/45 000 000 =B;

35 000 000\*B=C;

Бунда:

45 000 000 – Жамият устав капиталидаги оддий акциялар сони;

35 000 000 – қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони;

A – акциядорнинг Жамият устав капиталидаги оддий акциялари сони;

B – Жамият устав капиталидаги жами оддий акцияларга мутаносиб равиша оддий акциялар сони;

C – имтиёзли хуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан сотиб олинадиган акциялар сони.

Қолдиқ хосил бўлган холларда, қолдиқ сон 5 (беш) га тенг ва ундан ортиқ бўлса кўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга бутланади.

Акциядорлар, қўшимча маълумотлар олиш учун жамиятнинг акциядорлар билан коропратив муносабатлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: +998 71 207 58-00